



«Конституциявий ислоҳотнинг моҳияти ва аҳамияти:

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ»

Пойтахтимиздаги «Congress Hall» мажлислар залида ўтказилган халқаро конференция ушбу мавзуга бағишланди. Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик мӯаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Тошкент давлат юридик университети ва Демократик жаҳёнларни таҳжил қилиш маркази ташкил этган мазкур анжуманда хориж мамлакатларидан етакчи сиёсатчилар, давлат арбоблари, эксперлар ва олимлар, шунингдек, БМТ, БМТ ТД, ЕИ, ЕХҲТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Таъқидландиди, кейинги йилларда Ўзбекистон инсон ҳуқук ва эркинликлари, қонуни мағбаатларини амалга ошириша катта этибор қаратиладиган жадал демократик ислоҳотлар мамлакати сифатида дунё ҳамжамияти томонидан тан олинмоқда.

Бўлажак конституциявий ислоҳотнинг муҳим демократик таркиби қисми – бу тузашиблар фақат

умумалқ овоз бериси йўли билан жорий этилишидир. Анжуманда мамлакат Конституциясига ўзгариши ва қўшимчалар киритиш давлат бошқаруви ва жамият тузилиши моделдининг долзарблигини белгиловчи замонавий воқеялари мос жараён экани таъқидланди.

Конференция 5 та асосий сессияга бўлинган ҳолда ўтказилди ва уларда конституциявий ислоҳотнинг энг муҳим ва долзарб ма-

салалари атрофлича муҳокама қилинди.

Хусусан, биринчи сессия Ўзбекистон томонидан демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат қуриш масалаларини ўз ичига олган конституциявий ислоҳотнинг асосий ўйналишларига бағишланди.

Шунингдек, анжуманда инсон ва фуқаронинг ҳуқук ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётни ривожланишининг конституциявий механизmlарини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд бўйинларини янада демократлаштириш ҳамда давлат ва жамият қурилиши тизимида фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш масалалари кўриб чиқиди.


Гулрухбегим ОДАШБОЕВА
«ISHONCH»

Муддатидан олдин овоз бериш бошланди

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонунинг 351-моддасига кўра, референдум куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган овоз берувчи муддатидан олдин овоз бериси ҳукуқига эга. Бу жараён референдумга ўн кун қолганида бошланниб, уч кун қолганида тугаланди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни бўйича референдумда муддатидан олдин овоз бериси муддатидан 2023 йил 19 апрель – 26 апрель кунларига белгилаган. Фуқаролар иш кунлари соат 9:00дан соат 18:00 га қадар, дам олиш ва байран кунлари соат 12:00дан соат 16:00 га қадар референдум участкасига бориб, муддатидан олдин овоз бериси мумкин.

Кечакан референдум участкала-рида мазкур жараён бошланди.



2023-yil
20-aprel
payshanba
№ 49-50
(4802)

Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan —

Саховат

Мамлакатимизда кам таъминланган, эҳтиёж-манд оиласлар ҳар то-монлама кўллаб-қувватланмоқда. Бундай хайрли ишларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси кўпчиликка намуна бўлаётir. Айни кунларда эса Рамазон ойи муносабати билан хайр-саховат тадбирлари кенг кўламда амалга оширилмоқда.



Рамазон ҳайити қачон нишонланади?

Фатво марказининг қайд этишича, Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Рамазон ойи ва ҳайитини аниқлаш билан Иччи гурух шуғулланмоқда. Уламолар ва малақали мутахассислардан иборат мазкур ишчи гурух Рамазон ҳайити куни – янги Шаввөл ҳилолини астрономик таҳжиллар ҳамда хорижий давлатлардаги мутахассислар ҳамкорлигидаги кузатиб бормоқда. Ҳатто Иччи гурух вакиллари АҚШ, Туркия, Жанубий Корея ва Россия минтақаларида ҳам кузатиш ишларини олиб боршилмоқда.

Хориждаги нуфузли астрономия марказлари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги Астрономия институтидан олинган маълумотларга кўра, 2023 йил Рамазон ҳайити куни, яъни Шаввөлнинг янги ой фазаси шу йил 20 апрель, пайшанба куни Тошкент вакти билан соат 09:12 да, Саудия Арабистони вакти билан эса 07:12 да содир бўлади. Астроном олимлар хуласасига кўра, шу куни Шаввөл ойи ҳилоли Ўзбекистон худудида кўринмаса-да, лекин дунёнинг айрим минтақаларида уни кўриш мумкин будади.

Таъқидлаш жоизки, Ҳанафий фиқи манబаларида бир макондан янги ҳилол куриниши дунёдаги жами мусулмонларни Рамазон ҳайитини нишонлашни жоиз килади. Бунга ҳанафий, моликий ва ҳанбалий мазхабларидан иборат жумхур уламолар иттифоқ қилишган.

Шаръий масалалар ва астрономик хисоб-китобларга таянган ҳолда айтиш жоизки, 1444 ҳижрий йил Шаввөл ойи ҳилоли милиоддиган 2023 йил 20 апрель куни Ер юзининг айрим худудларда кузатилиди. Шу боис, Рамазон ҳайити куни 2023 йил 21 апрель, жума кунига тўғри келиши ҳақида дастлабки ҳулосалар қилинмоқда. Айтиш мумкинни, АҚШ, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Туркманистон каби бир қатор давлатлар томонидан жорий йил 21 апрель, жума куни Рамазон ҳайити, деб эълон килинди.

Фалакий ҳисоб бўйича ҳайит куни маълум бўлса-да, Ҳазрати Пайғамбаримиз солалоҳу алайхасаллам-нинг «Ҳиги ойни кўриб рўза туғинглар ва янги ойни кўриб ҳайит қилинглар», деган ҳадиси шарифларига асосан мазкур ишчи гурухнинг АҚШ, Туркия ва Гарб давлатларидаги вакилларининг ҳилолини кузатиш тўғрисидаги охирги мавзумотлари олингандан кейин 2023 йил 20 апрель куни якуни хулосалар тақдим этилади, инsha Аллоҳ.



Тарихда юз берган хатоларни тўғрилаш, бир пайтлар эгилган ҳақиқатни тиклаш – адолатдандир, десак, хато бўймайди. Зоро, бу дунёда адолат борлиги ва ҳеч қачон завол топмаслигининг яққол ислити ҳамдир.

Қатағонга учраб қамалабид тузум даврида ноҳақ айбланган, мол-мулки мусодара этилиб, ўзлари кувғини қатағонга дутор этилган ажоддларимизномини оқлаш ўйлида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 8 октабрдаги «Қатағон курбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, улар хотириасини абдайлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича аспосан жамияти асосини ташкил этиш» тасдиқланган, уларнинг номларини аниқлаш борасидаги изланишлар кўлами кенгайди. Масъулларга вазирлик ва идораларнинг идорави архивларидан фойдаланиш имконияти яратилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбари



Кўнгилга ТАШРИФ

Яқинда Федерация мутсадидлари пойтахтимизнинг Бектемир туманида бўйли, туман ҳокими ва ҳокимлик вакиллари иштироқида бир катор маҳаллаларда яшовчи оиласлар ҳолидан хабар олиши. Ногиронлиги бор хотин-қизларга маддий ёрдам ва реабилитация восита-лари топширилди.

– Рамазон ҳайити арафасида эшик қоқиб келган яхши инсонларни кўриб, жуда сунондим. Бу каби йўқловлар ҳамиша кўнглимини тоғдек юксакларга кўтаради, – дейди «Забардаст маҳалласида истиқомат қилиувчи Оминаҳон Рўзиматова. – Ёшим етмиши қоралаганда дардга чалиндим. Шукур, ёғизланиб қолганим йўз. Маҳалла фоаллари, касаба уюшма вакиллари доимо ҳол-аҳволимни сўраб туришибди. Барчаси учун эл бўшида турган Президентимизга кўпдан-кўп раҳматлар айтаман.

«Иқбоб» маҳалласида яшовчи Александр Сен ва Евгений Сен туғма ногирон. Бу эгизлар давлатимизнинг доимий эътиборида. Уларга ҳам маҳсус



электр ногиронлик аравачаси тақдим этиди.

Шу куни туманда истиқомат килиувчи 10 та оила азосига ногиронлик аравачаси топширилди. Ҳусайн Бойқаро номидаги Наримбетовага эса даволаниши учун кетадиган сарф-ҳаражатлар қоплаб берилди. «Ий ота» маҳалласида яшовчи Саидат Сайдалиевага эшиши мосламаси топширилди.

Салим АБДУРАХМОНОВ
«ISHONCH»





Бухоро вилояти

Фаолиятимизнинг муҳим асоси

Буғунги глобаллашув жараёни жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида ўзгаришлар ва янгиланишлар қилишни, хусусан, ҳалиқимизнинг муҳим ҳуқуқий кафолати ҳисобланмиш Буш Қомусимизда даврий ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Мен нафақат бир ташкилот раҳбари, балки мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган оддий фуқаро сифатида ҳам янги таҳтиридаги Конституция лойиҳаси билан яқиндан танишиб чиқиб, қониқиш ҳосил қилдим. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва манбаатларига, айниқса, касаба уюшмалари аъзоси тақдирига тааллуқли қатор ўзгаришлар келгуси фаолиятимизнинг муҳим негизига айланшига амин бўлдим.

Tўғри, кейинги йилларда жамоат ташкилоти бўймиш касаба уюшмаларининг роли ва мавқенини ошириши борасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2019 йил 6 дебабрда «Ўзбекистон касаба уюшмалари тўғрисида» янги қонун қилинди. Сўнгра қатор қонуни мөъёрик ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқлари ва манбаатларини ҳимоялашнинг ўзига хос янги механизмираврятиди. Шунингдек, 2021 йилдан эътиборан 11 ноябрь санаси Касаба уюшмалари куни сифатида кенг нишонланга бошлианди. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 23 августандаги яна бир қарорига кўра, Мехнат ва ижтимоий мунисабатлар академияси ташкил этилди. Бу ҳалқаро талаълаб ва стандартларга мувофиқ, малакали кадрлар тайёрлаш, иқтисодиёт тармоқларининг олий маълумотли мутахассисларга ҳамда илмий-амалий тадқиқотларга бўлган ёхтиёжини қондириш йўлдиги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ўз навбатида, касаба уюшмалари зиммасига янги вазифалар ҳам юкланимокда. Буни «Аёллар дафтари» ёки оромгоҳлар мисолида кўриш мумкин. Масалан, мактаб ёшидаги болаларнинг



Фарғона вилояти



Касаба уюшмалари кўмагиди

Риштонлик Муҳайёхон Сатторова отасидан узоқ йиллар кулолчилик сир-асрорларини ўрганиб, кейинчалик «ММ Porcelain» МЧЖ корхонасини ташкил этган. Иш фаолияти ривожлана бошлагач, маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқариш учун иштиёқи пайдо бўлди. Ниятларини рӯёбга чиқариш учун эса сармоя керак эди...

«Мақсадимиз – мингта иш ёрни яратиш»

Бу борада Муҳайёхон Сатторовага касаба уюшмалари кўмакдosh бўлди. Тадбиркорнинг мақсад ва режаларини амалга ошириши, фаолиятини ривожлантириб, янги иш ўринларини яратishi учун 500 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Сифатли, экспортбоп маҳсулот учун замонавий дастгоҳлар тақозо этилади. Касаба уюшмалари маблаги эвазига шундай дастгоҳлар олиб келиб ўрнатдик, – дейди корхона раҳбари Муҳайёхон Сатторова. – Натижада маҳсулотларимиз тури кўпайди, сифати яхшиланди. Аввал корхонамизда 400 нафар маҳалли хотин-қиз ишлаган бўлса, касаба уюшмаларининг кўмагидан сўнг ишчилар сони 700 нафарга етди. Кувонарли хиҳати, ўтган иили хорижга бир миллион долларлик маҳсулот экспорт қилдик. Бу йилги режаларимиз эса бундан да салмоқли.

Айни пайтда 700 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган корхонада 10 турдаги чинни буюмлар тайёрланмоқда. Маҳсулотлар асосан Россия, Тоҷикистон, Қирғизистон, Қозоғистонга экспорт қилинмоқда.

– Бу ерда ишлётганимга бир йил бўлди. Хунар ўргандим. Хозирда пиёла, чинни, лаганларга гул зиязиман. Ойига иккиче миллион сўм атрофида иш ҳақи оляпман, – дейди Одинахон Абдулаева.

– Уй бекаси эдим. Корхона раҳбарининг ишисиз аёлларни ишга таклиф этаётганини эшитиб келдим. Чинни маҳсулотларни бўяш ва гул зиҳизни ўргатишиб. Хозирда топиш-тушишим ёмон эмас. Ишимиз йил давомида тўтҳамайди. Тушлигимиз белул. Вақтида иш ҳақимизни оламиз. Яна бир яхши томони, иш яхшиномизнинг уйимизга яқинлигидир, – дейди Хуршидаон Сирохиддинов.

Тиниб-тinchimas тадбиркорнинг келгуси режалари бисёр. Мавжуд имкониятлардан фойланган ҳолда фаолият кўлумини янада кенгайтириб, иш ўринлари сонини минг нафарга етказишни мақсад қилган.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»



Қашқадарё вилояти

Раис – ходимлар ҳимоячиси



Қарши шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти кенгashi Ижроия кўмитаси йигилиши таҳлилий ва танқидий рӯҳда кечди.

Унда қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди. Дастроб вилоят кенгashi бош ҳисобчиси Раиса Хусанованинг 2022 йил якунлари бўйича касаба уюшмаси бюджетининг бажарилishi ҳақидаги ахбороти тингланди. Аъзолик бадалларининг тушуми, сарфланиши, бу борада тармоқлардаги ҳолат таҳлилини килинди.

Шундан сўнг вилоят кенгashi меҳнат ҳуқуқ инспектори Шамсиддин Сатторов давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси тизимидағи корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфисизлик техникасига оид, шунингдек, меҳнат қонунчилиги тўғрисидаги нормативи ҳужжатларга риоя этилиши устидан олиб борилган жамоатчилик назорати натижалари ҳақида маъруза қилинди.

Таъқидландиди, Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташки-

лотининг Қашқадарё вилояти кенгashiда ходимларга иш берувчи томонидан меҳнат таътили кунлари тўғри ҳисблланган, бироқ Меҳнат кодекси 144-моддаси талаби асосида таътиллар жадвали касабa уюшма кўмитаси билан келишилмаган ва тасдиqlanmagان.

Шунингдек, Косон тумани 3-сонли касб-хунар мактабида Меҳнат кодексининг 232-моддаси талаби асосида ўн иккى ёшга тўлмаган иккى ва ундан ортиқ фарзанди бор 18 нафар ходимга уч иш кунидан кам бўймаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилмаган. Бугина эмас, меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиши, ходимларни ўқитиш ва билимини синовдан ўтказиш бўйича доимий ҳарадаги комиссия ҳам тузилмаган.

Юқоридаги каби камчилликларни бартараф этиш учун меҳнат жамоаларида ўқув-семинарлар ташкил этиши ҳақида йиғи-

лиш қарори қабул қилинди.

Вилоят кенгashi бўлим мудири Абдурозим Тўраев вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти кенгashi ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий башкормаси ўртасида тузилган минақавий келишувнинг 2022 йилда бажарилishi хусусида маъруза қилинди.

Ўз навбатида 2023-2025 йилларга мўлжаллаб тузилётган минтақавий келишув лойиҳаси муҳкамадан ўтди.

Йигилиши олиб борган ЎзКУФК Қашқадарё вилояти кенгashi раиси Баҳтиёр Жўраев қатнашчиларга меҳнат жамоаларида касабa уюшмалари ролини юксалириш, ходимларнинг ҳуқуқ, ва манфаатларини янада терароқ ҳимоялаш борасида ўз тавсияларини берди.

– Корхона ва ташкилтарнинг касабa уюшма кўмитаси раиси ходимларнинг ҳимоячиси эканини аслу инутмаслигимиз керак, – деди у ўз сўзида...

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Сўранг, жавоб берамиз...

Бола асраб олиш тартиби қандай?

САВОЛ:
Кўп ўйлардан бўён бефарзанд бўлиб, турмушни бузилган асраб олса бўлладими? Бунинг тартиби қандай? Шу тўғрида маълумот берсаниз.

Нигора ҚОСИМОВА
Фориш тумани



ЖАВОБ: Фарзандликка олишга вояга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг мағнфатларини кўзлаб йўл кўйилади. Бу болани фарзандликка олишни шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олишнинг тартибида тўғриларни келишув лойиҳаси муҳкамадан амала оширилади.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар Фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилган қоидалар бўйича алоҳида иш юритиш тартибида, фарзандликка олишни шахсларнинг ҳуқуқида тўғриларни келишув лойиҳаси муҳкамадан аслу инутмаслигимиз керак, – деди у ўз сўзида...

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»



Хоразм вилояти

Янги Меҳнат кодекси қурувчиiga нима беради?

Транспорт, ўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабa уюшмаси Республика кенгashi томонидан жойларда янги Меҳнат кодексининг мазмун ва моҳиятига бағишиланган тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бирни Хоразм вилоятида бўлиб ўтди. Тармоқ ходимлари касабa уюшмаси Республика кенгashi бош юристиконсульти Лола Нижонова ҳудуддаги бошланғич касабa уюшмалари фаоллигига Ўзбекистон Республикаси нинг Меҳнат кодексига киритилган кўшимча ва ўзгаришишлар, шунингдек, меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилишига оид муносабатлар бўйича кўргазмали тақдимот ўюштириди.

– Қурилиш ва йўлсозликда

меҳнат муносабатларини қонуний йўлга кўйишнинг аҳамияти катта, – дейди тармоқ ходимлари касабa уюшмаси вилоят кенгashi раиси Камолиддин Рўзметов. – Янги Меҳнат кодексида татбиқ этилаётган мебъёллар меҳнат муҳофазасини тўғри ташкил этиши, энг муҳими, ходимлар манфаатдорлигини ошириша хизмат қиласи.

Тадбир фикр-мулоҳаза ва савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

Мұхаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

Халқаро аралашувлар зарурати йўқ


Судан ташкилар вазирлиги вазиятни ҳал қилишда ёрдам кўрсатиш истагини билдирган мамлакатларга миннатдорчилигини маълум қилид, бироқ у ичи муммия эканини таъкидлади ва ҳар қандай халқаро аралашувларга қарши чиқди.

РИА Новости тарқатган хабарда қайд этилишича, вазирлик шу ҳақда расман баёнот ёзлон қилган.

Маълумот учун: 15 апрель куни араб телеканаллари Судан армияси билан тезкор ҳаракат кучлари ўртасида жанг бошланғич кетгани ҳақида хабар тарқатган эди. 16 апрелда Шарқий Африқани ривожлантириш бўйича хукуматлараро ташкилот (IGAD) баёнот берилб, Суданга Кения, Жанубий Судан ва Жибuti рахбарлари бораётган, улар Судан армияси билан Тезкор ҳаракат кучларини яратширишга уриниб кўриши ҳақида айтилган. Хартумга, шунингдек, Африқа иттифоқи комиссияси ҳам делегация жўнатишини маълум қилган.



«Twitter» ШҲТ аккаунтини блоклади



«Twitter» Шанҳай ҳамкорлик ташкилоти котибияти аккаунтини очилганидан бир ой ўтиб, блоклади. Бу ҳақда тузилма бош котиби ўринбосари Григорий Логвинов Минсқада бўлиб ўтган V Евросиё рақамли форумида маълум қилган.

Шунингдек, у ташкилот ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хўжум ва кўпорувчиликка қарши турши учун сайд-ҳаракатни кучайтириши муҳим эканини ҳам тақдилаган.

Оламда

Байденинг даромади қанча?

АҚШ Президенти Жо Байден ва биринчи хоним Жилл Байден кўшма солиқ декларациясини ўзлонганини ўйлашиб ётди. Уларнинг йиллик оила даромади 579,5 минг долларни ташкил этган. Шундан 169 минг долларлири 2022 йилда федерал солиқларга тортилган.

Тегишли баёнот, шунингдек, хукуматнинг ўзи Оқ уй матбуоти хизмати томонидан тарқатилди.

Хисоботда қайд этилишича, даромад солиқи ставкаси 23,8 фоизини ташкил этган.

Бундан ташкири, Делавэр штатида 29 минг доллардан кўпроқ солиқ тўланган, у ерда президент жуфтлиги оиласлий уйга эга. Жилл Байден ҳам Виржинияда солиқлар учун 3,1 минг доллар тўланган.

Шунингдек, давлат раҳбари ва биринчи хоним 20,2 минг долларга газиб, янни даромаднинг 3,5 фоизини 20 та ташкилот орқали хайрия ишларига сарфлаган.

2021 йилда Байден оиласининг йиллик даромади 610 минг долларни ташкил этгани айтилди.





Сирдарё вилояти

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисининг Сирдарё вилояти кенгаси уч авлод учрашувига бағишиланган маданий тадбир ўтказди. Унда касаба уюшмалари сафида самарали фаолият юритган, ҳозир пенсияда бўлган фахрий ходимлар, бугунги мутахассислар ва ёшлар иштирок этишиди.

Мулоқот

Уч авлод учрашуви

— Сўнгги йилларда бошқа соҳалар касаба уюшмалари фаолияти ҳам янада жонланиб, фуқароларимизга берилётган тиббий, ижтимоий, маданий-маърифий ва бошқа йўналишлардаги имтиёзлар қамрови кенгайди сифати яхшиланди, — деди Федерациининг вилоят кенгаси раиси Рустамбек Турсунмуродов. — 2020 йилдан ётирибдан 11 ноябрь юртимизда йўзбекистон касаба уюшмалари куни этиб белгилангани ижтимоий мухитда бу ташкилотларнинг ўрни ва роли салмоқли эканлигидан далатол беради.

Тадбирда сўзга чиқсан Валерий Хайдаров, Ёкубжон Мамадаминов, Асфандиёр Абдулаев, ўкташ Жўхакулов, Абдурашид Рустамов, Акбарали Мирзаҳемов сингари фахрийлар бу фикри маъқулларидар. Шунингдек, Сирдарё замини, унинг қараба ётган чўлдан гуллаб-яшнаган гўшага айланishi тархи, бу борада фидокорона меҳнат қилган турли соҳа вакилларининг касаба уюшмалари томонидан кўллаб-куватланиши, давлат томонидан яратилган аввалги ва бугунги имкониятлар ўртасидаги фарқлар хусусида тұтқалдайлар. Пирорварида ёшларни пухта билим олиш ва изланышга, ҳалол меҳнат қилиб, Ватанни кўз қорачиғидай асрарша чорладилар.

— Давлатимиз навқирон авлодга берәтган имкониятларнинг аксарияти касаба уюшмалари томонидан амалга оширилмоқда, — деди Гулистан давлат педагогика институти талабаси, касаба уюшмалари стипендиати Шахризода Аҳмадова. — Жумладан, имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтоҳ ёшлар сиҳатгоҳларда имтиёзли равишда даволанишлари, қадимий ва гўзал шаҳарларга, хушманзара масканларга саёҳат кишишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Биз улардан унумли фойдаланишимиз ва эл-юрт равнаки йўлида сидқидилдан меҳнат қилишимиз лозим.

Уч авлод вакиллари ўртасидаги самимий ва дилкаш сұхбатлар иштироқчиларда катта таассурт қолдири.

Баҳром
БОЙМУРОДОВ

ТАЛЬИМ ТАМАДДУНЛАР УСТУНИДИР!



Халқимиз азал-азалдан таълимга интилган. Бир неча ўн йиллик истибод даврида ҳам, соҳта ва баландпарвоз дэвъатлар сархуш қиласи замонларда ҳам ўз истиқболи ва иқбolini таълимда, деб билган. Янги Ренессанс мамлакат тараккиётининг миллий ҳаракатларни таълимига юксига айланган ҳозирги пайтда айни соҳада эришилаётган ижобий натижаларни юртимиздаги ҳар бир олий таълим мусассаси мисолида кўриш мумкин.

Бу жараён бизнинг институтимиз фоалийтида ҳам яққол кузатилмоқда. Хусусан, яқинда унда Иктидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фоалиятини ташкил этиш бўлими ташкил этиди. 2021-2022 ўкув йилидан бошлаб давлат олий таълим мусассаслари бакалавриатининг кундузи таълим шаклига кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)да энг юқори балл тўплаган 200 нафар талаба учун давлат бюджети маблағлари хисобдан молиялаштирилди. Ган Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти жорий этилди. Бултур институтимизнинг рус тили ва адабиёти таълим ўйналиши бўйича ўқиш учун хужжат топшириб, энг юқори балл тўплаган Нодира Қаюмова Президент гранти танловиди. Давлат тест маркази томоиштирор ўтказилган тест синовлари асосида ушбу грантни кўлга киритди.

Институтимизда бошқа бир қатор стипендиялар соҳиблари сафи ҳам йил сайин кенгайб бормоқда. Шунинг баробарида, талабаларни ижтимоий қўллаб-куватлаш, уларнинг ҳаётӣ муммомларини ҳал этиш бўйича мустаҳкам тизим яратилган. Жумладан, ижарада яшётган талабаларнинг 3845 нафарига давлат бюджети хисобидан 1 миллиард 199 миллион 500 минг сўм тўлаб берилди. Ижтимоий ҳаётда фоал 313 нафар талабага жами 214 миллион 403 минг 500 сўм пул мукофоти, 152 нафа-

рига 116 миллион 577 минг 600 сўм, чин етим талабаларга 127 миллион 200 минг сўм маддий ёрдам, «Темир дафтар»га киритилган 3 нафар 1-босич талабасига 19 миллион 238 минг сўмлик шартнома пуллари, ногиронлиги бўлган 224 нафар талабага 585 миллион 463 минг сўм маблаг ажратилди. Жорий ўкув йилида эса институт тавсияси асосида вилоят ҳоқимиги томонидан 61 нафар бокувчисини йўқотган талаба кизларнинг 391 млн. сўм муборидаги контракт пуллари тўлаб берилиши таъминланди. Шунингдек, «Темир дафтар»га кирган оиласалар фарзандлари бўлган 3 нафар талабага контракт пуллари қоллаб берилди.

Президентимизнинг шу йил февраль ойида Наманганд вилоятининг давлатобод тумонидаги «Янги Ўзбекистон ёшлиари зиё маскани» кутубхонаси фаолияти билан таниши ва маскандаги ёшлар билан мулоқотида ҳам мактаб ўқувчиларининг касб-хунар эгаллаши ва чет тилини ўрганиши бош мавзуга айланган эди. Ушанда давлатини раҳбари «Мактабда иккита ходижий тил ва битта касб ўрганиши талабини кўйяпмиз. Мана бундай зиё маскандарни, спорт мажмуналари куриялти. Буларнинг ҳаммаси бирлашиб, ҳаёт мактабига айланни керак», деган фикри илгари сурдиди.

Албатта, бундай вазифалар факат педагог кадрлар тайёрлочи ОТМлар эмас, балки таълимнинг барча бўйинлари «ҳаёт мактаби» даражасида бўлишини тақозо этади. Бу янги-янги педагогик технологиялар, изланишлар, илмий тадқиқотлар ва хорижий ҳамкорлик доирасини кенгайтиришида мактабни ўзгаради.

Хозир институтимизда мазкур ўйналишларда фаолият юритаётган 16 нафар фандоктори ва профессор, илмий-педагогик тажрибага эга фан номзодлари ва доцентлар илмий изланишлар олиб боришмоқда. Улар ҳаёт таълимни учун ўқитувчи-педагоглар тайёрлашдан ташкиари, академик лицей, касб-хунар таълимни мактаблари, олий ўкув юртлари учун илмий кадрлар итиштириша ҳам хисса кўшмоқдалар. Инновацион фаолияти ривожлантириш, илм-фанинг таълим ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъмини-

лаш ҳамда кадрлар тайёрлашда корхоналар салоҳиятидан самарали фойдаланишмоқда. Чунчонки, вилоятимиздаги ташкилот, корхона ва муассасалар билан лаборатория тадқиқотлари корпоратив ҳамкорлик шартномаси асосида «Навоийазот» ОАЖ, ДСЕНХ каби корхоналарда ўтказилмоқда. Институт базасидаги иссиқхона негизида биология ва география йўналишлари бўйича тажриба-синов ишлари, қўчатчилик, уруғчилик соҳасида тадқиқотлар олиб бориш учун ўкув ва илмий комплекс ташкил этилди. Натижада биргина ўтган йили вилоят корхоналарида мавжуд илмий-техник муммомларнинг ечимига қараштаган, умумий қўймати 1 миллиард 930 миллион сўмлик хўжалик шартномалари ва грант лойхалари амала ошириди.

Шунингдек, институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан ўкув-услубий, илмий-тадқиқот ишларини ўз ичига олуви 18 та инновацион түрух ташкил этилиб, Мактабгача ва мактаб таълимни вазирлигига тегиши ўкув муассасалари билан 36 та, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги худудий бошқармалари билан 22 та, вилоят ташкилотлари билан 18 та ўзаро инновацион ҳамкорлик йўлга кўйилмоқда. Қолаверса, сўнгига беш йилда хорижий олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари кўмагида ҳалқаро миқёсдаги илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича институтимиздаги тадқиқотларни таъминида олиб тузилиб, улар билан ўзаро алоқалар ўрнатилиди.

Албатта, ушбу эзгу амаллар ўз самара-сини кўсатади. Боиси улар ажоддларимизга хос мавриғати интилиш, ҳалқимизнинг ҳоинида жўш уриб турган олис ўтишибиги иккита Ренессанс садоларига ҳамоҳангандир. Шу жихатдан олганда, дунё таъмдунига янги – ученический тадқиқотларни бунёдкори сифатидаги хисса кўшиш ҳар бир юртдошимиз учун шарафли иш десак, муболага бўлмайди. Энг мухими, Румий ҳазратлари айтганларидек, биз гўзал кунлар келишини кутишимиз эмас, балки унга қараб бормоқка жазм этишимиз лозим.

Баҳодир СОБИРОВ,
Навоий давлат педагогика институти ректори

Мушоҳада

Бундан бир неча йиллар олдин қўпол ва зўравонликни тарғиб қиласидаги сарлавҳалар асосан «Сариқ матбуот» дея таърифланаидиган хусусий газеталарда кўп учаради. Бугун эса айрим расмий ташкилотларнинг сайтида ҳам одамни сескантирадиган сарлавҳаларга кўзимиз тушмоқда. Сенсацион ва агресив ҳолатни ифодалайдиган хабарлар сайтда рейтингни юқори тургани янада бизни сергаклантириши лозим. Яқинда ўз жонига қасд қиласига ўтсанг хабарни сайти рейтингидаги энг юқори натижаки кўрсатганини кўриб қўрқдим. Бу жамиятда носоғлом қизиқишига сабаб бўлиб қолмасмикан?

Хорижда кўп йиллардан бери тадқиқотчilar томонидан жинояти, суцидни тарғиб қилишига сабаби бўлиб қолаётган хабарларнинг жамиятга кўрсатдиган таъсирни борасиди илмий ишлар олиб борилмоқда. Мутахassislar берган ҳулосага кўра, оммага «сиздирилган» шафқатлизик, жисмоний зўравонлик каби хабарлар инсонларда умидизислик ва бора-бора лоқайдлик хиссini ўтигина мумкин. Яна айрим инсонларда бу аks тасдиқ қилиши мумкин, яъни зўравонлик жиноятидан яхши ташкилини кўркишнинг ҳаддан ташкири көрорига кузатилишига сабаб бўлади.

Одайда жиноятлар хроникиаси, услуги деярли барча сайтиларда кенг ёртилмоқда. Котилликларни ёнгинаимизда содир бўлгандек қабул қилимиз, асаблар эзриқмоқда. Фарзандларимиз хавфзизлигидан хафсираба яшаш кўнникмасига эга будлар. Жамоат онгини криминаллаштиришга ўз «хиссамиз»ни қўйидаги сарлавҳалар билан мустаҳкамлашади.

• Фарғонада қайнота келинининг бошини узиб олди ва дарахта осиб кетди

• Тошкентда онасини ўлдириб, ертўлага кўмиди иборага ўтилга хўким ўқиди

• Йигитларни жиний алоқага тақлиф қилиб, яланғоч ҳолда видеога олган гурух ушланди

• Фарғонада бир аёл уч кишини пичоқлади

• Киззахда эра рашк сабаб аёлнини пичоқлади

• Бухорода эр жанжал сабаб хотинни пи-чиоқлади

• Бухорода йигит онасини пичоқлаб ўлдири

• Тошкентда эрзак 4 нафар оила аёзосини пи-чиоқлади

• Кайнука ҳомиладор келинини вахший ларча ўлдириди, аммо қамалмади

• Самарқандда ота б ёшли фарзандини бўғиб ўлдириди

• Бухорода эркак 73 ёшли онасини бўғиб ўлдириди

• Алимент низоси сабабли эркак собиқ хотини бўғиб ўлдириди

Афсуски, бундай хабарларнинг адоғи кўринмайди. Тарixдан, тажрибадан маълумки, криминал ишланган фильмларга тақиб қиласига яхши оламан. Ишо-


насанми, ўшандан бери анча хотиржамманд» деди у. — Шу ўрдан жиноят ва ҳукукбўзарликни оид хабарларни ёртишида журналистлар бир неча хотоларга ўйларни ўқиётганини алоҳидан ташкиллашни истардилар, — дейди «Адолат» миллий ҳукуқий ахборот маркази боз маслахатчиси Саломат Туремуратов. — Дейлик, кадрлардан котиллик руҳи бўлди. Вокеа жоёй ўрганинди, гурунланувчи хотимни ўзлаштириши мумкин. Чунки бу ёшда уларда тақлид қилиши майлий кучли будади.

Хорижда яшётган дугонам билан «телеграм»да ёзишиб турдим. Иккиси кун олдин гаплашгандан. «Хабаринг бор, Ўзбекистондаги воеалардан хабарларни ўзлаштиришадиган яхвалинга тушдиган қодим. Бунинг сабаби шу бўлса керак, деб барча сайтилардан «Follow»ни бекор қилиб чиқдим. Тавсирчаман, бирорвонинг дардини ҳам юрагимга яқин оламан. Ишо-

насанми, ўшандан бери анча хотиржамманд» деди у.

— Шу ўрдан жиноят ва ҳукукбўзарликни оид хабарларни ёртишида журналистлар бир неча хотоларга ўйларни ўқиётганини алоҳидан ташкиллашни истардилар, — дейди «Адолат» миллий ҳукуқий ахборот маркази боз маслахатчиси Саломат Туремуратов. — Дейлик, кадрлардан котиллик руҳи бўлди. Вокеа жоёй ўрганинди, гурунланувчи хотимни ўзлаштириши мумкин. Бунинг бирининг барорида ўзининг ахбороти бўлди. Ахборот – ката турди. Ундан яхши максадларда фойдаланмок зарур. Бир нарсани тушуниб ётдим, энди хоҳлаймизми-хоҳлаймизми, шаклланадиган хотимни ўзгашиб кетди. Кейинги в

Маданият ва туризм вазирлиги ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлигига!



УРГАНЧ АННА ГЕРМАНИИ УНУТАПТИМИ?

Манбаларга кўра, 1934 йилда кўплаб поляк ва немислар Украина, хусусан, Чебриковдан ўрта Осиёга кўчирилади. Улар орасида Анна Германнинг онаси Ирманинг ҳам оиласи бор эди. Ирма Фаргона водийсигидаги мактабда фаoliyati кўргаса бошлайди. Шу ерда Чимёндаги нефть заводида ишлаётган Евгений Герман билан турмуш куради. «Евгенийнинг асли келиб чиқиши Польшанинг Лодзе шаҳридан бўйли, бу вақтда у Чимёндаги заводниң мусика ансамблида дирижёрилик қилиларди. Немис, голланд, рус тилларини мухаммал биладиган Евгений баланд бўйли, мовий кўзли бўйли, кўплаб китобларга эга кутубхона таскил қилинган, гитара, скрипка чалар, шеър ва кўшиклини ҳам қойилмақон қилиб ижро этарди. Евгений хурфиқрли шахс сифатида шўроларнинг зулмкорлигига қарши фикрда эди. Шу туфайли ҳам уни таъқиб қилишгани учун Донбассдан қочиб, ўша вақтда чеккароқ тулолган Фаргонага келиб қолганди» деб ёзди тарихчи олим Умид Бекмуҳаммад. Фаргонада Евгенийни чекистлар сурнштира бошлагач, Ирма ва Евгений Урганчга кўчишида.

Ёш оила бежиз Хоразмга кўчмаган. Бу пайтада Ирманинг укаси Вильмар Урганчда зоотехник бўйли ишлаётганди. Эр-хотиннинг ижарадаги ўйлари ўша вақтда Урганчнинг Кўнақъала деб аталган дэхқон бозори ёнида, Қирғизён бўйига қара-

ган алоқа биноси теграсида бўлган. Анна Герман шу ерда таваллуд топган. Анна иккى яшарлигida бетоб бўлиб қолгач, оиласи уни даволатиш учун Тошкентга кўчади.

Кекса авлод вакиллари Анна Герман номини курмат ва эҳтиром билан тилга олишади. Улар орасида у билан учрашиш баҳтига мушаррафа бўлган Ошиқ Эркин, Комил Нуржонов ва бошқаларнинг қоякорлари эл орасида айланниб юради. Анна Герман ўзи дунёга келган диёр инсоннини ҳар доим очик, чеҳра билан кутиб олган. Концертауда бирон-бир ёзбек унга гул берса, «Бу инсон мен туғилиб ўтсан Узбекистондан» дейа эҳтироф қилган.

Афсуски, автоҳалокат туфайли Анна Герман ҳаётни эрта тарқ этган. Узоқ умр кўрганида ўз киндиқ қони тўкиган диёрни зиёрат қиласиди балки? Зоро, Анна Герман ҳаётни ва ижодини тадқиқ қилинган инсонлар фикрига кўра, машҳур хонанданинг энг катта армони туғилган юрти Урганчга умуман боролмагани, концерт қўя олмагани бўлган.

Анна Герман қисқа ҳаёт кўрган бўлса-да, ноёб иштедиди билан ўз номини тарзи саҳифаларига заржал ҳарфлар билан ёзишга муваффақ бўлди. Хонанда ҳаётни ва ижоди ҳақида сўз кетганди, Урганчда таваллуд топгани албатта қайд этилади. Бироқ Урганч бугун ўз қизини унтуатгандек.

Анна Германнинг урганчлик эканини таржима ҳолидан, у ҳақдаги фильмлардан билиш мумкин, холос. Шаҳарда эса Аннани эслатувчи ҳеч нарса тоға олмайиз.

Бундан ўн йиллар аввал Урганчнинг марказий кўчаси Анна Герман номи билан аталарди. Етти-саккиз йил аввал эса шу кўчанинг айнан Анна Герман таваллуд топган худудида унинг номи билан атaluвчи бино бунёд этилди. Бино кафе, хостел сифатида фаoliyati кўргасиди. Бинонинг иккичи қавати деворларини Анна Герман ҳаётни ва ижоди акс этган расмлар безаган бўлиб, унинг ижорасидаги қўшиқлар янграб, кафега ташриф буюрганлар қалбига хузур баҳш этарди.

Бироқ сўнгги йилларда нимагадир бинодан Анна Герман номи олиб ташланди. Бино ичидаги Анна Герман расмлари энди йўқ. Унинг қўшиқлари ҳам деярли янграмаяти. Биз бунинг сабабларини билиш мақсадида бинога бир неча бор бориб, таъсисчи тадбиркор билан сұхбатлашиша уриндик. Аммо таъсисчини топа олмадик. Ходимларнинг фикрича, Анна Герман номи бинодан нега олиб ташлангани номаълум. Устига устак, менюлардаги Анна Герман номи ҳам қўриқб олинган. «Билимасак...» «Анна Герман ошпаз бўлмаган, ош пиширган, кабоб пиширган, кафега ҳам шу инсоннинг номини қўясизларми»

Анна Герман номи бутун дунёга маълум ва машҳур. XX асрнинг энг бутоқ санъаткорларидан бири саналган бу аёл 1936 йилнинг 14 февралида Урганчда таваллуд топган.

қабилидаги эътирозлар кўп бўлди, балки шунинг учун номи олиб ташлангандир» дейишидади. Деворлардаги суратлар нега ҳозирда йўқлиги ҳақидаги саволимиз ҳам жавобсиз қолди.

Анна Герман буюк шахс. Унинг номи кичкина кафе ёки ресторонга балки, чиндан-да мос эмасдир. Аммо у туғилиб ўсган Урганчга файз киритиши аниқ. Урганчда Анна Германни ёдга солиб турувчи музейга, кўчага, бўяста эҳтиёб бор. Зоро, Анна Германнинг Урганчда туғилгани факат унинг шахси билангина эмас, балки ўша даврда Ўзбекистонда, Хоразмда яшаган поляклар, немислар, мениннонлар тақдирли билан ҳам боғлиқ. Анна Герман нафақат буюк хонанда, балки ўзбек-поляк дўстлиги тимсоли ҳамдир. Анна Герман ва унинг оиласи ушбу шаҳар тарихининг бир қисмидир. Шундай экан, ушбу шаҳарнинг ўз фарзандини унтишга ҳақи йўқ. Урганчликлар Анна Германни севади ва у билан фахрланади. Факат бу фахр түфуси қалблардагина қолиб кетмаслиги керак.

Маданият ва туризм вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги санъат ихолсомандларининг Анна Германнага бўлган ҳурмати ва мөхрини амалда ифодалаш учун имкон топади, деган умиддамиз.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

БУЮК ИНСОННИНГ аёлига эҳтиром

«Табаррук ва муқаддас жойларга ташриф буориш, зиёрат қилиш кимгадир этра, кимгадир кеч насиб қиласар экан. Энг муҳими эса, насиб қилишида...».

Мен бу сўзларни Мансурхон Тоировнинг «Дўй тоғлари ва етти осмон» китобида ўқиган эдим. Яқинда ўзим ҳам ана шундай кутулғаро даргоҳлардан бири бўлмиш Абдулла Қаҳҳор билан боғланади. Айнан ўша кезларда Абдулла Қаҳҳор билан танишади ва 1945 йилда иккиси турмуш қуради.

Бу зиёрат тадбири ўзбекистон ҳалқ ёзувчиининг умр йўлдоши Кириё Қаҳҳорова таваллудининг 109 йиллиги муносабати билан ушотириди ва «Буюк инсон аёли» деб номланид. Унда суюқи адабимизнинг шогирди Сурайё Холмизраева, профессор Адҳамбек Алимов, Нуриддин Очилов, Яшнабод туманинг ахборот-кутубхона маркази ходимлари ва талабалар иштирок этишиди. Улар, аввали, ўй-музей билан танишдилар. Сўнгра унинг директори Санобар Матлубова иккى табаррук инсон ҳаётига доир қизиқарли маълумотларни ёшларга улашди. Адӣ ва унинг аёлига замондош бўлганлар эса бу иккى табаррук инсонга дахлдор муҳим воқеаларни сўзлаб беришиди.

Музейга кирар эканмиз, адабининг китоблари, дивани, иш столини, унинг устидаги қўлэзмалар ва ўша даврларда олинган суратларни кўриб беҳад завқландик. Шу топда иккى буюк сиймо гўёки ёнимизда тургандек туюлди. Суҳбатимиз ўй-музей ёнидаги ҳовлида давом этиди.

Кириё Қаҳҳорова 1914 йил 14 апрелда Самарқандада таваллуд топган. Отаси Лутфулло Махсуз Файзуллов ўз даврининг маърифатли кишиларидан бўлган. Шу боис қизининг таълим олишига жиддий эътибор қартиб, унга араб ва форс тилларини ҳам мукаммал ўргатган. Натижада Кириё Қаҳҳорова ўн ўшидан Ҳофиз Шерозий, Бедил, Шайх Саъдий ва Жомий сингари алломалар асарларини ўқий бошлади. Вогза етгач, турли соҳаларда фаoliyati юритади. Ўқитувчи, котиба, нашриётда мұхаррир, адабиёт бўлими мудираси бўлиб ишлайди. 1938 йили Ленинград университетининг шарқшунослик факультетига ўқишига киради. Бироқ Иккинчи жаҳон уруши дав-

рида Душанбега қайтади. Туркiston ҳарбий оқругининг «Фрунзевец» газетаси ҳарбий мухбари этиб тайинлангач эса, ҳаётни Тошкент билан боғланади. Айнан ўша кезларда Абдулла Қаҳҳор билан танишади ва 1945 йилда иккиси турмуш қуради.

Кириё Қаҳҳорова кейинчалик таржимонин билан ҳам шугулланди. Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романини Абдулла Қаҳҳор ҳамкорлигида, Садриддин Айнининг «Эски мактаб», Максим Горькийнинг «Она», «Менинг университетларим», Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» асарларини ўзи мустакил равишида ўзбек тилига ўйгирди. Бундан ташкири, Абдулла Қаҳҳор асарларини тожик тилига таржима қилди. Адаб оғир хасталикка чалинганде эса ҳар лахза ёнида бўлди, умрининг охирига унинг ижодини тарғиб қилиш билан шугулланди. Биргалиқдаги ҳаётлари ҳақида «Чорак аср ҳамнафас» китобини ёзди, ўзлари яшаган хонадонни ўй-музейга айлантириш борасида ҳам елиб-юргурди.

Абдулла Қаҳҳор ва Кириё Қаҳҳорова худди Ойбек ва Зарифа Сайдносирова, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Сайд Ахмад ва Саид Зуннунова каби ўзаро меҳр-оқибатли, абдул-абад бир-бираға садоқатли улуғ инсонлар эди. Буни Кириё опани кўрган, у билан ҳамсугбат бўлганлар дилда зўр ишик ё билан эътироф этишиди. Тадбирида ҳам шундай бўлди, талабалар унинг ҳаётни ҳақида эшшиб, сабоқ олишиди.

Абдулла Қаҳҳор вафоти олдидан «Менинг давроҳим мукаддас эди, мендан кейин ҳам мукаддас бўлишини истайман», деган эди. У адашмаган экан. Бугунги кунда адабининг ўйидан одамларнинг қадами узилмайди. Демак, ўлдузлар мангу ёнгани каби Абдулла Қаҳҳор ва Кириё Қаҳҳорова ҳам ҳамиша халқимиз хотирасида яшайди.

Гавҳар ЭШОНҚУЛОВА
ЎзжОҚУ талабаси

Таассурот

Юнусобод туманидаги «Нуронийлар» сиҳатоҳида Шайхонтоҳур тумани Ҳалқ қабулхонаси ташаббуси билан эҳсон дастурхони ёзилди. Унда сиҳатоҳиҳо ҳодимлари ва 250 нафардан зиёд дам олувчилар қатнаши.

Кўнгил кўнгилдан сув ичар



– Асака туманинг Олақанот қишлоғидан келдим. Анча йиллар боғчада тарбиячи бўлиб ишлагман. Қарангк, кортимизда шундай ажойиб санаторий борлигини билmas эканман. Даво чораларидан жуда мамнунмиз, – дейди дам олувчи Ҳурматот Мўминова. – Бугунги тадбири ҳам дам олувчиларнинг ёдидан бир умр чикмайди. Инсонон қадрлаётган юртимизга кўз тегмасин.

– Шундай улуг кунларга етказигани шукронга келтирамиз, – дейди сиҳатоҳиҳо директори Бадридин Камолов. – Бу ерда даволанаётганлар юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса кўшган одамлардир. Уларга қанча ҳурмат-эъзоз кўрсатсан кам.

Тадбирида иштирокчиларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Комила БОЙМУРОДОВА
«ISHONCH»



МУАССИС:



O'zbekiston
kasaba
uyushmalar
Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston
Matbuot va axborot
agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va
«Ishonch-Dovreie»
gazetalarini
tahrir hayati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hayati raisi),
Ulug'bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulllo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEIDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OVIBAZAROVA,
Anvar QULMURODOV

Bosh muharrir
birinchi o'rinosari,

Mehriddin SHUKROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Dovreie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'lmlar:
Kasaba uyushmalar hayoti –
(71) 256-64-69
Haqq qo'sha xalqaro hayot –
(71) 256-52-89
Milliy-mavniy qadriyatlar va sport –
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash –
(71) 256-85-43
Marketing va obuna –
(71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalp'iston Respublikasi –
(+998-97) 506-86-98
Andijon viloyati –
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati –
(+998-91) 406-43-24
Jizzax viloyati –
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati –
(+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati –
(+998-99) 889-90-28
Samarkand viloyati –
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati –
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-32
Farg'on'a viloyati –
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati –
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazardan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrirlar:
Z. Rixsiev,
A.Haydarov

Musahihilar:
D. Xudoiberganova,
D.Ravshanova

<